



Халқ сўзи

2025 йил — АТРОФ-МУҲИТНИ АСРАШ ВА «ЯШИЛ» ИҚТИСОДИЁТ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2025 йил 1 май, № 88 (8983)

Пайшанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



ОЛИЙ ТАЪЛИМ СИФАТИНИ ОШИРИШГА ҚАРАТИЛГАН ҲАЁТИЙ ТАКЛИФЛАР ВА УСТУВОР ВАЗИФАЛАР

Президент Шавкат Мирзиёев 30 апрель куни нодавлат таълим хизматлари тизимини такомиллаштириш, олий ва касбий таълимда сифатни ошириш чора-тадбирлари тақдимоти билан танишди.

Иқтисодиёт тармоқлари ривожини ҳамда инвестициявий муҳит, энг аввало, кадрлар салоҳияти билан чамбарчас бoғлиқ. Шу боис олий ва касбий таълим тизими доимий такомиллаштириб бoрилмоқда.

Сўнгги йилларда таълим соҳасида хусусий секторга берилган имкониятлар тўғрисида 71 та хусусий олийгоҳ ва 51 та хусусий техникум ташкил этилиб, уларда 500 минг нафарга яқин талаба ва ўқувчилар таъсил олмақда. Бунинг натижасида мамлакатда олий таълим билан қамров 9 фоиздан 42 фоизга ошди.

Албатта, бугунгача амалга оширилган ишлар кўплаб ёшларнинг касбий ва олий маълумот олишига имкон яратди. Аммо нодавлат таълим ташкилотларининг бар-

часида ҳам таълим сифати бирдек таъминланмаган.

Нодавлат таълим ташкилотларида қабул параметрлари, таълим дастурлари, ўқув жараёнлари ҳамда илмий салоҳиятни сифат жиҳатдан яхшилаш, уларни замонавий меҳнат бозори эҳтиёжларига мослаштириш энг асосий масалалардан биридир.

Шу боис тақдимотда нодавлат таълим хизматларини кўрсатишни тартибга солиш, лицензиялаш тизимини такомиллаштириш ҳамда давлат аккредитациясидан ўтказиш бўйича янги тизимни жорий этишга қаратилган тақлифлар муҳокама қилинди.

Бу борада илғор хорижий тажрибалар асосида икки босқичли лицензиялаш тизимига ўтиш, таълим дастурларини махсус аккреди-

тациядан ўтказиш ҳамда ҳар беш йилда комплекс давлат аккредитациясини ташкил этиш бўйича тақлифлар билдирилди.

Шунингдек, тақдимотда ривожланган давлатларнинг энг илғор тажрибасидан ке-либ чиққан ҳолда таълим сифатини ташки баҳолаш билан шуғулланувчи алоҳида мустақил тизимга ташкил этиш ҳамда сифат назоратининг шаффоф, холис ва адолатли тизимини жорий қилиш ташаббуси ҳам илгари сурилди.

Таълим сифатини таъминлаш ва ташки баҳолашнинг жорий этилиши касбий ва олий таълим муассасаларида ўқитиш самардорлиги ва илмий салоҳиятни ошириб, уларнинг халқаро рейтинглардаги ўрнини яхшилашга хизмат қилади.

ХОРАЗМНИНГ ТАРИХИЙ-ИЛМИЙ ВА ТУРИЗМ САЛОҲИЯТИ БИЛАН УЙҒУН ЗАМОНАВИЙ МАЖМУА

Президент Шавкат Мирзиёев Ал-Хоразмий университетини ташкил этиш бўйича тақдимот билан танишди.

Давлатимиз раҳбари 2022 йил августда Урганч шаҳридаги Ал-Хоразмий шаҳарчаси қурилишига асос солган эди. У ерда буюк олим номидаги университет ва ихтисослаштирилган мактаб ҳам бўлади.

Тақдимотда мазкур таълим масканларини ташкил этиш чора-тадбирлари, асосий йўналишлари ҳақида ахборот берилди.

Университетда 3 та: математика ва информатика, аэрокосмик технологиялар муҳандислиги ҳамда сунъий интеллект факультети бўлади. Уларда иқтисодиёт, ахборот технологиялари, саноат, хавфсизлик, энергетика ва экология каби соҳалар учун му-тахассислар тайёрланади. Дарслар ўзбек ва инглиз тилларида, кредит-модуль тизими асосида олиб борилади.

Ўқув жараёнлари “Янги Ўзбекистон” университетининг тажрибаси асосида, Бирлашган Араб Амирликлари, Хитой Халқ Республикаси,

Буюк Британия каби давлатларнинг нуфузли олий таълим ташкилотлари билан ҳамкорликда ташкил этилади.

Қабулни 2025/2026 ўқув йилидан бошлаш режалаштирилган. Жами талабалар сони 4 — 6 минг атрофида бўлиши кўзда тутилган.

Шаҳарча ҳудудида Тошкентдаги Муҳаммад ал-Хоразмий мактабининг филиали ҳам ташкил этилади. Унга 4-синф битирувчилари танлаб олинмади. Таълимнинг яқунловчи 2 йилли муҳандисликка бошланғич тайёргарликка қаратилади.

Давлатимиз раҳбари университет ҳудуди нафақат таълим, балки Хоразмнинг тарихий-илмий ва туризм салоҳияти билан уйғун мажмуа бўлиши кераклигини таъкидлади. Ушбу замонавий таълим муассасаларини ташкил этишга оид ҳужжат имзоланди.

Ў.А.



Конференция

МОТУРИДИЙЛИК — БАҒРИКЕНГЛИК, МЎЪТАДИЛЛИК ВА МАЪРИФАТ ТАЪЛИМОТИ

Мамлакатимиз тараққиётининг янги босқичида жамиятда диний бағрикенглик, миллатлараро тотувлик ва ижтимоий барқарорлиқни таъминлаш, буюк аллома ва мутафаккирларимизнинг бой илмий-маънавий меросини чуқур ўрганиш бўйича пухта ўйланган изчил ислохотлар амалга оширилмоқда.

Ушбу эзгу ишларнинг узвий давоми сифатида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Имом Мотуридий таваллудининг 1155 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида”ги қарори асосида 29-30 апрель кунлари Самарқанд шаҳрида “Мотуридийлик — бағрикенглик, мўътадиллик ва маърифат таълимоти” мавзусида халқаро илмий-амалий конференция ўтказилди.

Анжуманда Миср, Туркия, Малайзия, Буюк Британия, Индонезия, БАА, Саудия Арабистони, Кувайт, Қатар, Покистон, Озарбайжон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон каби 26 та давлатдан 70 дан зиёд муфтийлар, нуфузли исломшунос олимлар, мотуридийшунос тадқиқотчилар, тарихшунос, файласуф мутахассислар, давлат ва жамоат арбоблари, диний маърифий соҳа вакиллари қатнашди.

Халқаро илмий-амалий конференциянинг очилиш маросими Куръон оятлари

тиловати билан бошланди. Шундан сўнг Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг халқаро конференция иштирокчиларига табригини Президент маслаҳатчиси Русланбек Давлетов ўқиб эшиттирди.

Табрикда қайд этилганидек, янги Ўзбекистонда ислом цивилизацияси ривожига бебаҳо ҳисса қўшган алломаларнинг ибратли ҳаёт йўли ва бой илмий-маънавий меросини ҳар томонлама чуқур ўрганиш ва кенг тарғиб этиш, ёшларни Ватанга муҳаббат, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш борасида улкан ишлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистондаги Ислмо цивилизацияси маркази, Имом Бухорий, Имом Мотуридий, Имом Термизий каби буюк алломаларимиз номлари билан аталадиган халқаро илмий-тадқиқот марказлари, Ўзбекистон халқаро исломшунослик академияси фаолият кўрсатмоқда.



ИНСОН ҚАДРИНИ ЮКСАЛТИРИШНИНГ ЭНГ ОЛИЙ МЕЗОНИ

Янги таҳрирдаги Конституциямизнинг 1-моддасида Ўзбекистон ижтимоий давлат экани белгиланган. Ижтимоий давлат госяи фуқаролар фаровонлигига эришиш, кам таъминланган қатламларни кўллаб-қувватлаш, таълим ва тиббиёт соҳаларида тенг имкониятлар яратишга қаратилган давлат сиёсатидир.

Мушоҳада

Ўзбекистоннинг ижтимоий давлат сари қадам ташлаши — дунёдаги ривожланган мамлакатлар тажрибасидан келиб чиққан ҳолда миллий хусусиятларга мос шакланган истиқболли йўналишидир. Энг муҳими, бу йўлда инсон қадрини, адолат, тенглик ва имкониятлар марказга қўйилмоқда. Ижтимоий давлат — бу нафақат хозирги аҳоли учун, балки эртанги авлодга ҳам муносиб ҳаёт барпо этиш кафолати.

Сўнгги йилларда Ўзбекистонда Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида ушбу конституциявий ғояни ҳаётга татбиқ этишга йўналтирилган кенг кўламли ислохотлар амалга оширилди. Уларда камбағалликни қисқартириш, аҳоли фаровонлигини таъминлаш ва адолатли жамият яратиш асосий мақсад қилиб белгиланган.

2023-2024 йилларда бу жараён янада фаоллашиб, ўнга яқин муҳим дастурлар ва ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Хусусан, 2023 йил 1 июндаги аҳолига сифатли ижтимоий хизмат ва ёрдам кўрсатишга қаратилган Фармон билан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги ташкил этилди.

Аҳолининг ижтимоий ҳимоясига оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар мазмунан янгиленмоқда. Ҳозирга қадар ўнга яқин янги қонунлар қабул қилинди ва эллиқдан ортқ қонунчилик ҳужжатлари ишлаб чиқилди. Уларда ногиронлиги бўлган шахслар, ёлғиз қариялар ва кўп болали оилаларни кўллаб-қувватлаш механизмлари такомиллаштирилди.



Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг олтинчи ялпи мажлиси тўғрисида АХБОРОТ

30 апрель куни Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг олтинчи ялпи мажлиси ўз ишини давом эттирди.



Унда Сенат, ҳукумат аъзолари, вазирлик ва идораларнинг вакиллари, маҳаллий Кенгашларнинг депутатлари, Сенат ҳузуридаги Ёшлар парламенти аъзолари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари қатнашди.

Видеоконференцалоқа тарзида ўтказилган ялпи мажлисни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Танзила Норбоева олиб борди.

Ялпи мажлис Сенатнинг “YouTube” тармоғидаги саҳифаси орқали тўғридан-тўғри ёритиб борилди.

Ялпи мажлисининг иккинчи иш куни сенаторлар томонидан дастлаб “Аҳолига ижтимоий хизматлар кўрсатиш тизими янада такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун муҳокама қилинди.

Мазкур қонун аҳолига ижтимоий хизматлар кўрсатиш тизимини янада такомиллаштиришга қаратилган. Қонун билан аҳолига пенсия тайинлаш тизимига замонавий ахборот технологияларини фаол татбиқ этган ҳолда давлат томонидан кўрсатилаётган хизматлар сифатини янада ошириш мақсадида “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги Қонунга пенсия олиш ёши, аёл-

лар 55 ёш) фуқароларга ёшга доир пенсияни уларнинг алоҳида мурожаатини талаб этмаган ҳолда проактив шаклда тайинлаш тартибини белгилашга оид ўзгартириш ва қўшимчалар киритилмоқда.

Мазкур тартиб амалиётга татбиқ этилиши натижасида фуқаролардан пенсия тайинлаш учун Пенсия жамғармасининг ҳудудий бўлинимасига ёки Давлат хизматлари марказига мурожаат қилиш талаб этилмайди.

Бундан ташқари, пенсия ёшига етган фуқароларга қонунчиликда белгиланган талаблар доирасида пенсия тайинлаш ҳақида қарор қабул қилинганида уларнинг телефон рақамларига пенсия тайинланганлиги ва унинг миқдори тўғрисида SMS хабар юборилади.

Қонунда, шунингдек, фуқаро пенсия ёшига етиб, аммо меҳнат фаолиятини давом эттириб, кейинроқ ёшга доир пенсия олиш истаги бўлганида проактив шаклда тайинланган ёшга доир пенсияни рад қилиш тартибини ҳам жорий этиш назарда тутилмоқда.

Шунингдек, қонунга асосан ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли қатламларига барча нафақаларни тайинлаш ва тўлаш Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги ваколатига ўтказилгани муносабати билан “Давлат божи тўғрисида”ги ва “Аҳоли бандлиги тўғрисида”ги қонунларга ҳам ўзгартириш ва қўшимчалар киритилмоқда.

Сенаторларнинг фикрича, белгиланаётган нормалар фуқароларга пенсия таъминоти бўйича кўрсатиладиган давлат хизматлари сифатини оширишга ҳамда ортқча бюрократик тўсиқлар бартараф этилишига хизмат қилади.

Қизгин муҳокамадан сўнг қонуннинг долзарблиги ва зарурлигини эътиборга олиб, у сенаторлар томонидан маъқулланди.



Комиссия йиғилиши

МУАММОЛАР ЕЧИМИГА ЙЎНАЛТИРИЛГАН ГРАНТЛАР

Кеча Олий Мажлис ҳузуридаги Фуқаролик жамияти институтларини кўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

Унда шу йилнинг март-апрель ойларида республика бўйлаб амалга оширилган ўрганишлар натижалари ва фуқаролик жамияти институтларини давлат томонидан кўллаб-қувватлаш бoрасида амалга оширилаётган ишлар муҳокама қилинди.

Ўрганишлар давомида ишчи гуруҳ аъзолари Қорақалпоғис-

тон Республикаси, барча вилоятлар ва Тошкент шаҳрида бўлиб, 100 дан ортқ вилоят Кенгашлари ҳамда 600 дан зиёд туман Кенгашлари депутатлари иштирокида аҳоли билан бевосита мулоқотлар ўтказди. Учрашувларда “Яшил макон” умуммиллий лойиҳасини амалга ошириш, экологик



ҲАМКОРЛИК ИСТИҚБОЛЛАРИ МУҲОКАМАСИ

Кеча Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева Япония адлия вазири, Япония парламенти Вакиллар палатаси депутати Кейсуке Сузуки билан учрашув ўтказди.

Учрашув

Сўбат чоғида Ўзбекистон ва Япония ўртасидаги ҳамкорликнинг бугунги ҳолати ҳамда уни ривожлантириш истиқболлари муҳокама қилинди, бунда парламентлараро мулоқотни мустақамлашга алоҳида эътибор қаратилди.

Жумладан, “Япония — Ўзбекистон” дўстлик гуруҳлари фаолиятини жаллаллаштириш, парламент кўмитала-

ри ўртасида мунтазам мулоқотни йўлга қўйиш, шунингдек, қонун ижодкорлиги, парламент назорати ва ҳудудий вакиллик органлари фаолияти соҳаларида тажриба алмашиш муҳимлиги қайд этилди.

Учрашув якунида томонлар Ўзбекистон ва Япония ўртасидаги дўстона муносабатларни янада мустақамлашга ҳамда амалий ҳамкорликка тайёрлигини билдирди.

«Халқ сўзи».

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг олтинчи ялпи мажлиси тўғрисида АХБОРОТ

Шундан кейин ялпи мажлисида “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига баъзи турдаги тамаки маҳсулотларининг, тамаки ва никотинни истеъмол қилиш мосламаларининг муомаласига доир талабларни янада қулайтиришга қаратилган ўзгаришлар ва қўшимча киритиш тўғрисида”ги қонун кўриб чиқилди.

Қайд этилганидек, мамлакатимизда аҳоли ўртасида, айниқса, болалар ва ёшлар орасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш, шу жумладан, тамаки маҳсулотлари тарқатилишининг ва истеъмол қилинишининг олдини олиш бўйича тизимли ишлар олиб борилмоқда.

Шу билан бирга, сўнгги йилларда тамаки маҳсулотларининг янги турларини, хусусан, никотин етказиб беришнинг электрон тизимларини, шу жумладан, электрон сигареталарни қонунга ҳилоф равишда мамлакатимизга олиб кириш ҳамда муомалага киритиш ҳоллари кўпаймоқда.

Шу муносабат билан тамаки маҳсулотларининг, никотин етказиб беришнинг электрон тизимларининг, шу жумладан, электрон сигареталарнинг ва улар учун суоқликларнинг муомаласини мамлакатимиз ҳудудида тақиқлаш, уларни қонунга ҳилоф равишда муомалага киритиш, шунингдек, тамакинни қиздириш тизимларини қонунга ҳилоф равишда муомалага киритгани учун жавобгарликни белгилаш зарурати юзага келмоқда.

Қонун билан Жиноят кодексига ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга муомаласи тақиқланган тамаки маҳсулотларини, никотин етказиб беришнинг электрон тизимларини, шу жумладан, электрон сигареталарни ва улар учун суоқликларни ишлаб чиқариш, тайёрлаш, олиш, сақлаш, ташиш ёки ўтказиш, шунингдек, олиб кириш ва олиб чиқиш учун жавобгарлик белгилашнинг назарда тутуви ўзгаришлар киритилмоқда.

Ушбу қонун нафақат айбдор шахсларни жазолашга қаратилганлиги билан, балки содир этган ноқонуний ҳаракатлари тўғрисида ўз ихтиёри билан ҳокимият органларига арз қилган ва муомаласи тақиқланган маҳсулотларни топширган шахсларни жавобгарликдан озод қилишни назарда тутиши билан ҳам аҳамиятли эканлиги қайд этилди.

Сенаторлар томонидан қонун аҳолининг ҳаёти ва соғлиғини ҳимоя қилишга, миллат генофондини сақлашга ҳамда атроф-муҳитни тамаки ва никотин маҳсулотларининг янги турларидан муҳофиза қилишга хизмат қилиши таъкидланди.

Муҳокама якунида қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Сенатнинг ялпи мажлисида “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига қўшимча ва ўзгаришлар киритиш тўғрисида”ги қонун қўриб чиқилди.

Таъкидланганидек, сўнгги йилларда мамлакатимизда ер ва сув ресурсларини муҳофиза қилишга қаратилган изчил ислохотлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, ҳозирги вақтда бўш турган ерларни ҳисобга олиш, қишлоқ ҳўжалигига мўлжалланган ерларни ер фондининг бошқа тоифасига ўтказиш механизмларини такомиллаштириш, ҳуқуқ эгаларининг ер участкаларини олганлик учун ҳақ тўлашни амалга оши-

риш юзасидан масъулиятини қулайтириш зарурати туғилмоқда.

Шунингдек, ер ости сувларини ерларни суғориш ва бошқа мақсадлар учун олиш кескин ўсганлиги, шунингдек, қудуқларни рухсатсиз бурғилаш ва сувлардан назоратсиз, ҳисобга олмасдан фойдаланиш ҳоллари давом этаётганлиги сабабли ер ости сув ресурсларини муҳофиза қилиш чораларини қулайтириш ҳам зарур.

Қонун билан Ер кодексига давлат мулкидаги бўш турган ерларнинг ҳисобга олинишини ташкил этишни, қишлоқ ҳўжалигига мўлжалланган ер участкаларида рухсат этилган фойдаланишнинг асосий турига мос бўлган объекталарни жойлаштиришни, ер участкаларини олганлик учун ҳақ белгиланган муддатларда тўланмаганда ер участкаларига бўлган ҳуқуқни бекор қилишни назарда тутувчи қўшимча ва ўзгаришлар киритилмоқда.

Шунингдек, қишлоқ ҳўжалигига мўлжалланган ерларнинг турларига аниқлик киритилмоқда, суғориладиган ерларни ер фондининг бошқа тоифасига ёки суғорилмайдиган ерлар тоифасига ўтказиш бўйича аниқ талаблар белгиланмоқда, қишлоқ ҳўжалиги ва ўрмон ҳўжалиги ишлаб чиқаришининг нобудгарчиликлари ўрнини қоплаш зарур бўлган ҳоллар кенгайтирилмоқда.

“Лицензиялаш, рухсат бериш ва ҳабдор қилиш тартиб-таомиллари тўғрисида”ги қонунда ер ости сувларига қудуқни бурғилаш учун рухсатнома бериш ўрнига ер ости сувларига қудуқларни бурғилаш фаолиятига рухсатнома бериш тартибини жорий этиш белгиланмоқда. Жумладан, Солиқ кодексига ер ости сувларидан фойдаланувчилар томонидан сувни ҳисобга олиш воситаларисиз сув олинганда солиқ тўловини белгиланган солиқ ставкасининг беш баравари миқдориди ундириш назарда тутилмоқда.

“Ўзбекистон Республикасининг маъмурий-ҳудудий тузилиши тўғрисида”ги қонунга маъмурий-ҳудудий бириқларнинг давлат реестрида объектни маъмурий-ҳудудий белгиланишнинг тизимли қоди тўғрисидаги ахборот акс эттирилишига қаратилган ўзгаришлар киритилмоқда.

Сенаторлар томонидан таъкидланганидек, қонуннинг қабул қилиниши ерларни муҳофиза қилиш ва ер участкаларидан фойдаланиш самарадорлигини оширишга, Маъмурий-ҳудудий бириқлар давлат реестрининг ахборот тизимини такомиллаштиришга, шунингдек, ер ости сувларидан қонунга ҳилоф равишда фойдаланишнинг олдини олишга хизмат қилади.

Муҳокама якунида қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Шу билан бирга, мажлисда “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига қўшимча ва ўзгаришлар киритиш тўғрисида”ги қонун қўриб чиқилди.

Таъкидланганидек, кейинги йилларда мамлакатимизда фуқаролик жамиятини ривожлантириш, нодавлат нотижорат ташкилотларининг фаолиятини қўллаб-қувватлаш, уларнинг самарали фаолият юритиши учун қулай шарт-шароитлар яратиш, давлат ва жамият бошқарувидаги ролини ошириш, шунингдек, жамоатчилик назоратини, ижтимоий шериклини такомиллаштириш борасида бир қатор ишлар амалга оширилди.



Юнус БУРИЕВ олпон сураттор.

Шу билан бирга, ижтимоий-иқтисодий соҳада жамоатчилик назоратини қулайтириш, нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг эркинлиги кафолатларини мустаҳкамлаш ҳамда ҳомийлик хайрияларини йиғиш тартибини аниқ белгилаш зарурати юзага келмоқда.

Мазкур қонун билан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига нодавлат нотижорат ташкилотларининг фаолиятига қонунга ҳилоф равишда аралашганлик, жамоатчилик назоратини амалга ошириш натижаларини бўйича тайёрланган якуний ҳужжатни кўриб чиқмаганлик, ҳомийлик тўғрисидаги қонунчилик талабларини бузганлик учун жавобгарлик белгиланмоқда, шунингдек, нодавлат нотижорат ташкилотларининг фаолиятини амалга ошириш тартибини бузганлиги учун жавобгарлиги қайта кўриб чиқилмоқда.

“Ижтимоий шериклик тўғрисида”ги, “Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг кафолатлари тўғрисида”ги қонунларга фуқаролик жамияти институтларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш назарда тутувчи ўзгариш ва қўшимчалар киритилмоқда.

Шунингдек, фуқаролик жамияти институтларига давлат органлари томонидан бевосита давлат ижтимоий буюртмалари берилишининг янги механизмлари белгиланмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунларидаги нодавлат нотижорат ташкилотларининг мажбуриятлари, уларни давлат рўйхатидан ўтказишни рад этиш асослари қайта қўрибли, қайта рўйхатдан ўтказганлик учун давлат бож миқдори, шунингдек, ҳомийлик фаолиятини амалга ошириш тартиби аниқлаштирилмоқда.

“Жамоат фондлари тўғрисида”ги қонунга жамоат фонди муассислигига бўлган талаблар қулайтирилди, жамоат фондини давлат рўйхатидан ўтказиш шартлари ва тартиби аниқлаштирилиши, жамоат фондининг мол-мулкидан фойдаланиш янада эркинлаштирилиши назарда тутувчи ўзгаришлар ва қўшимчалар киритилмоқда.

Бир календарь йилда банк ҳисобва-рақларида пул айланимаси мавжуд бўлмаган жамоат фонди учун ушбу календарь йилда ўз фаолиятини аудитор-

лик текширувидан ўтказиш ихтиёрий тартибда амалга оширилиши белгиланмоқда.

“Ҳомийлик тўғрисида”ги Қонунга хайрия қутиларидан фойдаланиш тартибини белгилловчи, олинган ҳомийлик хайрияларини ҳисобга олиш ва улар тўғрисидаги ахборотни ошкор этиш ҳамда ҳомийлик хайрияларини йиғиш тартибини такомиллаштирувчи нормалар киритилмоқда.

Муҳокама давомида сенаторлар томонидан ушбу қонун фуқаролик жамияти институтларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштиришга, унинг самарадорлигини оширишга, шунингдек, ижтимоий шериклик муносабатларини ривожлантиришга хизмат қилиши таъкидланди.

Муҳокама сўнгига қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Шунингдек, ялпи мажлисда “Ўзбекистон Республикаси билан Озарбайжон Республикаси ўртасида иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги Шартнома (Тошкент, 2024 йил 23 август) ратификация қилиш ҳақида”ги қонун муҳокама қилинди.

Таъкидланганидек, қонун билан ратификация қилинаётган мазкур Шартнома Ўзбекистон ва Озарбайжон Президентлари томонидан 2024 йил 23 август кун Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси ва Озарбайжон Республикаси Давлатлараро олий кенгашининг биринчи йиғилиши доирасида имзоланган.

Мазкур Шартнома икки давлат мустақиллиги, суверенитети, ҳудудий яхлитлиги ва барқарор иқтисодий ривожланишнинг янада мустаҳкамлашга қаратилган давлатлараро муносабатларнинг янги босқичини шартномавий-ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлашни назарда тутди.

Шунингдек, Шартномада томонларнинг бир-бирларига қарши қаратилган ҳеч қандай блоклар ёки иттифоқларда қатнашмаслик ҳамда томонлардан бирининг фикри бўйича икки давлатнинг стратегик шериклиги ва иттифоқчилик муносабатларига зарар етказадиган ҳар қандай ҳаракатларда иштирок этишдан сақланиш каби мажбуриятлари белгиланган.

Қонун билан мазкур Шартноманинг ратификация қилиниши икки мамлакат ўртасидаги ўзаро ишонч, дўстона ало-

қалар ва стратегик шериклики янада мустаҳкамлади.

Шу билан бирга, Шартнома сиёсий ҳамкорлиқни кенгайтириш, савдо-иқтисодий ва маданий-гуманитар алоқаларни ривожлантириш, янги лойиҳаларни амалга ошириш учун қулай шарт-шароит яратди.

Бундан ташқари, Шартнома икки мамлакатнинг ҳудудлари ўртасидаги тўғридан-тўғри алоқаларни қулайтириш, логистика, энергетика, саноат, таълим ва туризм каби соҳаларда қўша лойиҳаларни амалга ошириш имкониятларини очиб беради.

Муҳокама якунида қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Ялпи мажлисда қишлоқ ҳўжалигини ривожлантириш, илмий-тадқиқот институтларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ҳамда соҳага илм-фан ютуқларини жорий қилиш юзасидан Ва-зирлар Маҳкамасига парламент сўрови юбориш масаласи қўриб чиқилди.

Қайд этилганидек, кейинги йилларда мамлакатда қишлоқ ҳўжалигини ривожлантиришда тадбиркорлик субъектларига илмий асосланган ахборот тақдим этиш, замонавий хизматлар кўрсатиш, ишлаб чиқаришга илм-фан ютуқлари ва инновацияларни кенг жорий этиш, уларнинг узвий интеграциясини таъминлаш борасида қатор ютуқларга эришилган.

Бугунги кунда илм-фан, ишлаб чиқариш ва замонавий агрохизматлар кўрсатиш узвийлигини таъминлаш мақсадида 1 та дирекция, 13 та илмий-тадқиқот институти ҳамда 49 та тажриба станциясини қамраб олган Қишлоқ ҳўжалиги вазирлиги ҳузурида Қишлоқ ҳўжалигида билим ва инновацияларни миллий маркази фаолият олиб бормоқда.

Илмий-тадқиқот институтлари томонидан дон ва дуккакли экинларнинг 6 та янги нави яратилган ҳамда Давлат реестрига киритилган. 517 гектар майдонда кузги ошмоқ бўғдўннинг 17 та янги истикболли нави етиштирилиб, 3,4 минг тонна юқори авлоди урулгик тайёрланган.

2024 йилда илк бор тажриба-синов тариқасида юқори ҳосилдор, сақаллик ва зарарқунандаларга чидамли ғўза навлари ҳамда дарагайларни Хитой, Туркия, Ҳиндистон, Исроил, Тожикистон ва Қирғизистондан олиб келиниб,

республикамиз бўйича жами 96 минг гектар майдонга экилган.

Миллий марказ тизимида Венгрия селекциясига мансуб 450 минг дона картошка уруғларини “In vitro” шароитида кўпайтириш йўлга қўйилган. Ҳудудларда аҳоли даромадини кўпайтириш бўйича илк бор ҳонадон-бай усулида бажариладиган илмий лойиҳалар механизми жорий этилган.

Соҳада олиб борилаётган ислохотлар озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, деҳқон ва фермер ҳўжалиқларини қўллаб-қувватлаш ҳамда миллий иқтисодиётнинг барқарор ривожланишига ҳисса қўшмоқда.

Республика бўйича суғориладиган 821 минг гектар ерда tupроқ сифатини баҳолаш, 620 минг гектарда шўрланмиш даражасини аниқлаш ишлари олиб борилган, 807 минг гектарда агрохимёвий таҳлил ўтказилиб, уларнинг картограммалари тузилган.

Шу билан бирга, ялпи мажлисда маҳаллий селекцияга мансуб янги нава дарагайларни етиштириш ҳамда илмий-тадқиқот институтларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, соҳага илм-фан ютуқларини жорий қилиш ишлари етарли даражада йўлга қўйилмаганини қайд этилди.

Сабзавот экинлари уруғларининг тур ва навлари бўйича маркетинг хизмати ташкил этилган. Сертифициланган уруғларни етказиб бериш учун истеъмолчилар томонидан уруғлар тури ва навларига буюртмалар бериш механизми тўлақонли шакллантирилмаган.

Шунингдек, экспортдор, импорт ўрнини босадиган навлар, уруғлар, ишланмалар ва илмий натижаларни тижоратлаштириш ҳамда қишлоқ ҳўжалигида илм ва инновацияларни кенг жорий қилишда ҳусусий сектор иштирокини кенгайтириш бўйича олиб борилаётган чора-тадбирлар натижадорлиги талаб даражасида эмаслиги таъкидланди.

Муҳокама якунида ушбу масалаларга оиднилик киритиш мақсадида Сенатнинг Вазирлар Маҳкамасига парламент сўровини юбориш тўғрисидаги қарори қабул қилинди.

Олий Мажлис Сенатининг олтинчи ялпи мажлисида Ўзбекистон Республикаси Олий суди таркибига ўзгариш киритиш тўғрисидаги масала ҳам қўриб чиқилди.

Олий Мажлис Сенатининг тегишли қарорига асосан Шамсиддин Мамарежабович Тожиёв бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судьяси лавозимидан озод этилди.

Шунингдек, сенаторлар томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг қарорлари ҳам тасдиқланди.

Ялпи мажлисда жамият ҳаётининг барча соҳалари ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлашга ва мамлакатда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар самарадорлигини оширишга, халқаро ҳамкорлиқни ривожлантиришга қаратилган 13 та масала қўриб чиқилди, шу жумладан, 10 та қонун маъқулланди.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг олтинчи ялпи мажлиси якунланди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Ахборот хизмати.

МАСАЛАЛАР ИСЛОҲОТЛАР СУРЪАТИ НУҚТАН НАЗАРИДАН КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

Кеча ўтказилган Олий Мажлис Сенати олтинчи ялпи мажлисининг иккинчи куниди ҳам бир қатор қонунлар ҳамда бошқа масалалар муҳокама қилинди. Уларнинг ҳар бири шиддатли ислохотлар нуктаи назаридан кўриб чиқилди. Ушбу масалалардан айримларининг мазмун-моҳияти ва аҳамияти хусусида сенаторлар ўз фикрларини билдирди.

Муносабат

Миллат келажагига дахлдор ҳужжат

Баҳром АБДУЛЛАЕВ, Олий Мажлис Сенатининг Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари қўмитаси раиси:

— Сўнгги йилларда аҳоли, айниқса, болалар ва ёшлар орасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш, шу жумладан, тамаки маҳсулотларининг тарқатилиши ва истеъмол қилинишни чеклаш бўйича тизимли ишлар олиб борилмоқда.

Бундай саяё-ҳаракатларга қарамай тамаки ва никотин маҳсулотларининг янги турларини, хусусан, никотин етказиб беришнинг электрон тизимларини, электрон сигареталар ва уларнинг суоқликларини мамлакатимизга қонунга ҳилоф равишда олиб кириш ҳамда муомалага киритиш ҳоллари кўпайган бўлиб, бу уларнинг аҳоли орасида истеъмоли ортишига олиб келмоқда.

Статистик рақамларга қарайдиган бўлсак, охириги тўрт йилда мамлакатимизга қиймати 28,5 млн. долларлик 5,4 млн. дона электрон сигарета хориждан импорт қилинган бўлиб, бу кўрсаткич аввалги йиллардагига нисбатан кескин равишда, яъни 80 баравар ошган.

Кейинги йилларда электрон сигареталардан фойдаланувчи ёшлар кўпайиб, энг ачинарлиси, мактаб қўзувчилари орасида ушбу маҳсулотларга қизиқиш тез суръатларда ортмоқда. Бугун 30 мингга яқин ўғил болалар, 9 мингга яқин қизлар чекишга мойил бўлса, 12 минг нафар-

дан ортиқ ўсмирлар ушбу сигареталарни мунтазам чекишни ўтказилган таҳлиллар кўрсатмоқда.

Тадқиқотларга кўра электрон сигареталар таркибидида никотин моддасидан ташқари канцероген, захарли 80 хил кимёвий биркима ва оғир металллар мавжуд бўлиб, уларнинг инсон соғлиғи ва атроф-муҳитга жиддий зиёни исбот талаб қилмайдиган ҳақиқатдир.

Инсон организмидида никотинга қарамликнинг ошиши болалар ва ўсмирларда мия шаклланишига, интеллект, билим ва қобилиятнинг пайсыйишига, руҳий таъовузкорлиқнинг ривожланишига, бронх-ўпка тизимида захарланиш, ўлимга олиб келувчи яллиғланиш, саратон ва “бодроқсимон ўпка” касаллигини келтириб чиқаришга сабаб бўлмоқда. Бундан ташқари, ошқозон-ичак саратонини, марказий асаб тизими, буйрак ва жигар функциясининг бузилиши, гипертония, инсульт, инфаркт каби юрак-қон томир касалликлари ривожланишига ҳам яхшигина замин яратди.

Демак, никотинни истеъмол қилиш мосламалари, шу жумладан, электрон сигареталар ва улар учун суоқликлар муомаласини Ўзбекистон Республикаси ҳудудидида тақиқлаш ва бундай ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарликни белгилаш зарурияти юзага келмоқда.

Шу маънода, “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига баъзи турдаги тамаки маҳсулотларининг, тамакин ва никотинни истеъмол қилиш мосламаларининг муомаласига доир талабларни янада қулайтиришга қаратилган ўзгаришлар ва қўшимча киритиш тўғрисида”ги қонун мамлакатимизда келажақ авлодини, миллат генофондини, атроф-муҳитни тамаки ва никотин таҳдидидан ҳимоялаш мақсадида ишлаб чиқилган.

Ушбу қонун билан мамлакатимизда никотин истеъмоли мосламалари, жумладан, электрон

сигареталар ва улар учун суоқликларнинг муомаласи тақиқланмоқда ҳамда “Алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилишини ҳамда истеъмол қилинишни чеклаш тўғрисида”ги Қонуннинг 37-моддаси билан айланмаси тақиқланган чекилмайдиган тамаки маҳсулотлари, никотин истеъмоли мосламалари, жумладан, электрон сигареталарни қонунга ҳилоф равишда муомалага киритиш билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар учун ҳамда тамакинни қиздириш тизимларининг ноқонуний муомаласи учун маъмурий ва жиноий жавобгарлик белгиланмоқда.

Ушбу қонун болалар ва ўсмирлар ўртасида тамаки ва никотин маҳсулотлари истеъмол қилиниши қамийишига, аҳоли орасида асосий юқумли бўлмаган (юрак-қон томир, нафас олиш аъзолари ва саратон) касалликларидан барвақт ўлимнинг олди олинишига ҳамда ёш авлод соғлиғини сақлашга, миллат генофондини соғломлаштиришга, атроф-муҳит муҳофазасига хизмат қилади.

Ерни асрасак, у биздан неъматларини аямайди

Сайёра АБДИКАРИМОВА, Олий Мажлис Сенатининг Аграр, сув ҳўжалиги масалалари ва экология қўмитаси раиси ўринбосари:

— Ер, сув ва бошқа табиий ресурслар умумийлиги бойлик, халқимиз ҳаёти ҳамда фаровонлигининг асоси бўлиб, улардан мақсадли ва самарали фойдаланиш, муҳофиза қилиш, давлат сиёсатининг муҳим устувор йўналишларидан биридир.

Ер ресурсларидан тўғри ва оқилона фойдаланмаслик, уларни тақсимлаш ва қайта тақсимлашдаги камчиликлар ҳамда самарасиз фойдаланиш натижасида улар унумдорлигини пасайиб кетиши оқилона бўшқариш тизимини талаб қилмоқда. Шу билан бирга, бўш турган ерларни ҳисобга олиш, қишлоқ ҳўжалигига мўлжалланган ерларни ер фондининг бошқа тоифасига ўтказиш механизмла-

рини такомиллаштириш, ер участкаларини олганлик учун ҳақ тўлашни амалга ошириш юзасидан масъулиятни қулайтириш зарурияти ҳам юзага келмоқда.

Маълумотларга қараганда, сўнгги 20 йил давомида мамлакатимизда қишлоқ ҳўжалиги ерлари 64 фоизга, аҳоли жон бошига тўғри келадиган суғориладиган ерлар эса 24 фоизга камайган. Шунингдек, балл бонитети 60 дан юқори бўлган ерлар 10 фоизга қисқариб, сифати ўртача ва ўртачадан паст бўлган ерлар ҳажми 14 фоизга ошган.

Суғориладиган ерларнинг ер фондининг бошқа тоифасига ўтказилиши натижасида 2021 — 2024 йилларда қишлоқ ҳўжалиги ерлари 70 минг гектарга, шу жумладан, суғориладиган ерлар 9,6 минг гектарга камайган.

Кейинги йилларда олиб борилган гидрогеологик тадқиқотлар натижасида аҳолини ер ости сувлари ҳисобига ичимлик суви билан таъминлаш 67 фоизга етган, лекин мунтазам равишда ичимлик сувига бўлган эҳтиёжнинг ортаётганлиги ҳамда ер ости сувларининг, асосан, ерларни суғориш ва бошқа мақсадларда олиниши ҳолатлари кескин ошиб кетганлиги кузатилган.

Таҳлилларга кўра айрим ҳудудларда ер остидан олинадиган сувнинг 60 — 90 фоизи ерларни суғоришга йўналтирилмоқда. 21 та туманда эса сув сатҳи кўп йиллик ўртача сатҳдан 5 метргача ва ундан ортиқ пасайиб кетган.

Соҳага оид рухсат берувчи тартиб-тамоийлар содда ва шаффоф бўлишига қарамасдан ер ости сувларига қудуқларни рухсатсиз бурғилаш, сувдан назоратсиз ва ҳисобсиз фойдаланиш ҳолатлари йилдан-йилга ортиб борапти. Хусусан, 2019 — 2024 йилларда ер ости сувлари учун 1500 га яқин рухсатномасиз (ноқонуний) бурғилаш ва фойдаланиш ҳолатлари аниқланган бўлиб, шундан 186 тасида ноқонуний қудуқ бурғилаш ҳолатлари бўйича маъмурий жавобгарлик чоралари қўрилган.

Юқорида келтирилган рақамлар ерлардан самарали фойдаланишнинг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштиришни тақозо қилмоқда. Шу боис “Ўзбекистон Республикасининг ай-

рим қонун ҳужжатларига қўшимча ва ўзгаришлар киритиш тўғрисида”ги қонун билан бир қатор қонунлар ҳамда кодексларга юқорида келтириб ўтилган масалаларни қамраб олган қўшимча ва ўзгаришлар киритилляпти.

Жумладан, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга ер ости сувларига қудуқни қонунга ҳ

Қўмиталар ҳафта ичида



МАҚСАДЛИ ИНДИКАТОРЛАРГА АЖРАТИЛГАН МАБЛАҒЛАР НАТИЖАДОРЛИГИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Меҳнат, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий масалалар қўмитасининг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Соғлиқни сақлаш вазирлигининг “2024 йил учун бюджет маблағларидан фойдаланиш билан боғлиқ мақсадли индикаторларнинг ижроси тўғрисида”ги ахбороти эшитилди.

Таъкидланганидек, кейинги йилларда давлат органлари фаолиятининг очкилиги ва шаффофлигини таъминлаш, бюджет маблағларининг шаклланиши ва сарфланиши устидан парламент ҳамда жамоатчилик назоратини кучайтириш борасида тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, давлатимиз раҳбарининг тегишли қарори билан таъкидланган биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчиларнинг 2024 йил учун бюджет маблағларидан фойдаланиш билан боғлиқ мақсадли индикаторлари бўйича Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 23 та банддан иборат мақсадли индикаторига 1 501,1 млрд. сўм маблағ ажратилган.

Ахборотда келтириб ўтилганидек, 2024 йилда болаларни вакциналар билан таъминлаш дастури бўйича ажратилган маблағларнинг 97,6 фоизи ўзлаштирилиб, болаларни эмлаш орқали аҳолининг эпидемиологик барқарорлиги таъминланган.

Шунингдек, ҳисобот даврида онкология ёрдамчи таъминлаштириш ва онкология хизматини янада ривожлантириш дастури доирасида 164,3 млрд. сўм ўзлаштирилган. Натижада 12 мингдан зиёд беморларда онкологик касалликларни I ва II босқичларда эрта аниқлашга эришилган.

Йиғилишда депутатлар мақсадли индикаторлар ижроси бўйича нефрология ва гемодиализ ёрдами, эндокринологик касалликларнинг олдини олиш, фтизиатрия ва пульмонология хизмати учун Давлат бюджетидан ажратилган маблағларнинг натижадорлигини соҳа мутахассислари билан атрофлича муҳокама қилишди.

Муҳокама давомида депутатлар эришилган ютуқлар билан бирга, ҳар йили Давлат бюджетидан ажратиладиган маблағлар айрим ҳолларда 7-8 ойлаб ҳаракатсиз қолаётгани (ўзлаштирилмасдан) натижасида тиббиёт муассасаларига дори-дармон, тиббий буюмлар ва тиббиёт техникалари белгиланган муддатдан кеч етказилишига сабаб бўлаётганини танқид қилишди.

Тадбирда депутатлар Соғлиқни сақлаш вазирлигида бюджет интизоimini кучайтириш, бюджет маблағлари самарадорлигини ошириш бўйича бир қатор тақлифлар беришди. Шунингдек, белгиланган вазифалар ижроси устидан самарали парламент назоратини ўрнатишга келишиб олинди.

ФАХРИЙ ҲАРБИЙЛАР — ЭЪЗОЗДА

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Халқаро ишлар, мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси томонидан 9 май — Хотира ва Қадрлаш кuni муносабати билан “Ватан равнақи, тинчлиги ва ҳимояси йўлидаги қаҳрамонлик унутилмайди” шиори остида фахрий ҳарбийлар иштирокида давра суҳбати ўтказилди.

Унда Ўзбекистон Республикаси Мудофаа, Ички ишлар, Фавқулодда вазиятлар вазирликлари, Миллий гвардия фaҳрийлари ва ҳарбий хизматчилар иштирок этди.

Кейинги йилларда мамлакатимиз мудофаа салохиятини мустаҳкамлаш, Куролини Кучларни профессионал тузилмага айлантириш, ҳарбий хизмат нуфузини ошириш, ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш борасида тизимли ишлар олиб боришмоқда. Айни чоғда ёши улуг инсонларга, айниқса, мамлакатимиз барқарорлиги ва тинчлиги йўлида хизмат қилган ҳарбийларга, уларнинг оилаларига эътибор ва ғамхўрлик кўрсатиш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди.

Тадбирда айтилганидек, Хотира ва Қадрлаш кuni — халқимизнинг асрлар давомида шаклланган эзгу қадриятлари, миллий ўзлигимиз, тинчлик ва озодлик учун курашган аجدодларимизнинг жасоратини ёд этиш ва қадрлаш кунидир. Ушбу сана ҳар бир юртодошимиз учун алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, Иккинчи жаҳон урушида жонини фидо қилган ватандошларимизни ёдга олиш, уларнинг хотирасини абадийлаштириш, қаҳрамонликларини ёш авлод онига сингдириш имконини беради.

«Халқ сўзи».

ИНСОН ҚАДРИНИ ЮКСАЛТИРИШНИНГ ЭНГ ОЛИЙ МЕЗОНИ

Ижтимоий хизмат ва ёрдамни маҳалла даражасида ташкил этишга алоҳида эътибор қаратилди. Ўтган даврда кам таъминланган оилалар манзилли ўрганилгани ҳамда тизим шаффоф қилингани натижасида доимий даромадга эга оилалар бундай тоифадан чиқарилди. Шу билан бирга, ўзгалар парваришига муҳтож, ёлғиз яшаётган 2 минг кишига ёрдам кўрсатиш йўлга қўйилди. Умуман, ижтимоий ҳимоя тизими билан 250 та хизмат қамраб олинди.

2024 йилдаги давлат дастури ижроси доирасида “ёшлар дафтари”га жами 133 минг 718 йигит-қиз киритилди, уларнинг 75 минг 599 нафарига талаб юқори бўлган йўналишлардаги харажатлар учун 146,3 млрд. сўм қоплаб берилди.

30 ёшдан ошган 7,5 млн. хотин-қиз хатловдан ўтказилиб, улардан 1 млн. 180 нафари “аёллар дафтари”га киритилди. Оғир ижтимоий аҳволга тушиб қолган хотин-қизларга ижтимоий-ҳуқуқий, психологик ёрдам кўрсатиш, уларни манзилли қўллаб-қувватлаш тизими яратилди.

Қайд этиш керак, камбағалликни қисқартиришга қаратилган чора-тадбирлар ижтимоий давлат госянининг асосий йўналишларидан бири саналади. Ўтган қисқа даврда “Камбағалликдан фаровонлик сари” дастури қабул қилиниб, биргина 2024 йилда ушбу соҳага 22 трлн. сўм маблағ йўналтирилди. Бу борада қатор ишлар амалга оширилди. Хусусан, “Ҳар бир оила — тадбиркор” дастури доирасида минглаб оилаларга имтиёзли кредитлар ажратилиб, улар ўз тадбиркорлигини бошлаш имконига эга бўлди.

Ижтимоий шартномалар тизими асосида камбағалликда яшовчи оилаларга вақтинчалик ёрдам бериш эмас, балки уларни узоқ муддатли мустақил ҳаётга тайёрлашга қаратилган дастурлар рўёбга чиқарилди.

Камбағалликни аниқлаш ва мониторинг қилиш учун Рақамли камбағаллик харитаси ишлаб чиқилиб, реал вақт режимида маълумот тўплаш ва таҳлил қилиш имкони яратилди.

Биламизки, таълим — тенг имконият ва келажақ қафолати ҳисобланади. Шу боис таълимни янги босқичга олиб чиқиш, қамровни ошириш ҳамда қулай шарт-шароит яратиш йўналишида 2024 йилда 2684 та янги мактабгача таълим ташкилоти фаолияти йўлга қўйилди. Уларга 77 минг 124 нафар бола қабул қилиниши натижасида фарзандларимизни мактабгача таълим билан қамров даражаси 74,6 фоизга етказилди.

Мактабгача таълим муассасалари сони оширилиб, хусусий секторга кенг йўл очилди. 2024 йилда мактабларда “Инклюзив таълим” дастури доирасида ногиронлиги бор болалар учун мослаштирилган синфлар ташкил этилди. Кам таъминланган оилалар фарзандлари учун мактаб ва олий таълимда грантлар, моддий ёрдамлар кенгайтирилди.

2023/2024 ўқув йилининг биринчи ярим йиллигида 530 та умумий ўрта таълим муассасасида инклюзив таълим тизими жорий этилди. Бу мактабларда алоҳида таълим эҳтиёжлари мавжуд 1 минг 195 нафар бола таълим олмақда. Уларнинг 37,6 фоизини қизлар ташкил этади.

Олий таълим қамрови 9 фоиздан 42 фоизгача кўтарилди, бу “ижтимоий лифт”лар ишга тушганидан далолат. Олий маълумотга эга бўлмаган хотин-қизлар учун 2 мингта қўшимча давлат гранти ажратилди. Шунингдек, уларнинг шартнома тўловлари учун 7 йилга фоизсиз кредит бериш ва магистратурада ўқийтган хотин-қизларнинг шартнома тўловларини давлат томонидан қоплаш тартиби жорий этилди. Қизларнинг олий таълими давлат томонидан молиявий рағбатлантирилиб, биргина 2024 йилда магистратурада таҳсил олаётган 15 мингдан зиёд талаба қизларга 190 млрд. сўм шартнома тўловлари тўлаб берилди.

Яна бир жиҳат. Сўнгги йилларда тиббиёт соҳасида ҳам муайян ишлар олиб борилаётганини эътироф этиш жоиз. Жумладан, ушбу тизимга Давлат бюджетидан ажратилаётган маблағлар ҳажми 30 трлн. сўмдан ошди. Давлат тиббий сўғуртаси жорий қилиниб, фуқароларнинг тиббий хизматлардан тенг ва ўз вақтида баҳраманд бўлиши таъминланмоқда. Аҳолига қулайлик яратиш мақсадида янги муассасалар барпо этилмоқда. Биргина 2023-2024 йилларда 30 та оилавий поликлиника, 110 та оилавий шифокор пункти ва 500 та маҳалла тиббиёт пункти очилди. Бу орқали 2,1 миллиондан зиёд аҳоли қатламига бирламчи тиббий хизмат яқинлаштирилди. 106 та оилавий шифокор пункти ва поликлиника, мингта маҳалла тиббиёт пункти ташкил этилди. Натижада 3,5 млн. аҳолига бирламчи тиббий хизмат яқинлаштирилди.

2023-2024 йилларда ҳудудларда аҳолига тезкор тиббий ёрдам

кўрсатиш концепцияси жорий қилинди. Болалар ва аёллар саломатлигини муҳофазалаш мақсадида махсус миллий дастурлар амалга оширилди. Электрон тиббиёт карталари ва рақамлаштириш орқали хизматлар шаффофлашди.

Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш йўналишида 230 та туғруқ муассасаси ҳамда 245 та педиатрия шохобчаси аҳолига хизмат қилиб келмоқда.

2024 йилда жойлардаги бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасаларида 8,4 млн. нафар аёл тиббий кўриқдан ўтказилди.

Албатта, буларнинг барчаси хотин-қизлар, болалар саломатлигини мустаҳкамлаш йўналишидаги ишлар самарадорлиги ва натижадорлигини таъминлашга хизмат қилмоқда.

Шу ўринда аҳоли бандлигини таъминлаш борасида қўрилаётган чораларга тўхталадиган бўлсак, Ижтимоий иш ўринлари дастури орқали эҳтиёжманд қатлам ва ёшлар иш билан таъминланаётгани, уларга имтиёзлар берилаётгани алоҳида қайд этиш жоиз. Бинобарин, 2023 йил 1 январдан бошлаб, ўзининг шахсий томорқа ер участкасида муайян фаолият турлари билан шугулланаётган фуқаролар, агар йилига базавий ҳисоблаш миқдорининг қаммида бир баравари даражасида ижтимоий солиқ тўласалар, расмий банд

Шубҳасиз, мамлакатимиз янги таҳрирдаги Конституциямизда мустаҳкамланган ижтимоий давлат госясини амалга ошириш йўлида дадил одимламоқда. Шу долзарб омилини ҳисобга олган ҳолда “Янги Ўзбекистон — ижтимоий давлат” тамойили ҳаётимизнинг барча соҳасида ўз аксини топишига алоҳида эътибор қаратилаётир.

аҳоли тоифасига киритилади ва бу давр уларнинг меҳнат стажига қўшилади.

“Ҳар бир оила — тадбиркор” дастури орқали 8 трлн. сўм имтиёзли кредитлар тақдим этилди. 500 минг янги иш ўрни яратилди. 150 минг фуқаро касб-хунарга ўқитилди — бу ҳам ижтимоий давлатнинг ҳаётдаги юзидир.

Хотин-қизларнинг касбий кўникмалар олиши, муносиб иш топишларига ҳар томонлама ёрдам бериш, тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш борасида ўтган йилда 889 минг 567 нафар хотин-қиз бандлигига кўмаклашилди.

2024 йилда 1055 дан ортқ маҳаллаларда хотин-қизлар бандлигини таъминлаш ва саломатлигини мустаҳкамлаш марказлари очилди. Бу, ўз навбатида, олис қишлоқлардаги аёлларни касб-хунар олишлари учун катта имконият бермоқда.

Бугунги Ўзбекистон ўз ривожланиш йўлида мутлақо янги тараққиёт босқичига қадам қўйган. Бу босқичнинг марказида эса битта асосий гоия турибди: инсон қадрини устувор, жамият ва давлатнинг энг олий бойлиги — инсоннинг ўзи. Ана шу устуворликни таъминлашнинг энг самарали шакли — ижтимоий давлат тамойили ҳисобланади. Бу нафақат сиёсий ёки иқтисодий мақсад, балки инсон ҳаётининг ҳар бир жабҳасини қўллаб-қувватлашга қаратилган мустаҳкам тизимдир.

Шухрат ЁҚУБОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.

МУАММОЛАР ЕЧИМИГА ЙўНАЛТИРИЛГАН ГРАНТЛАР

Мажлис давомида ҳудудлар кесимида аниқланган ижтимоий аҳамиятга эга муаммоларни бартараф этишга қаратилган давлат грантлари эълон қилиниши тўғрисида қарор қабул қилинди. Ушбу грантлар аҳоли бандлигини таъминлаш, ижтимоий ҳимоя ва соғлиқни сақлаш, агроф-муҳит ҳамда санитар-гигиеник ҳолатни яхшилаш, таълим, маданият ва спортни ривожлантириш, соғлом турмуш тарзини қарор топтириш каби йўналишларни қамраб олади.

Шунингдек, мажлисда қатор давлат ташкилотларининг ижтимоий буюртмалари, нодавлат нотихирот ташкилотларининг устав фаолияти бўйича муносабатлари ва амалга оширилиши режалаштирилган лойиҳалар юзасидан тақлифлар ҳам қўриб чиқилди ва тегишли қарорлар қабул қилинди.

«Халқ сўзи».

САЙЛОВ ДЕМОКРАТИК ТАМОЙИЛАР АСОСИДА ЎТКАЗИЛАДИ

Пойтахтимиздаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида шу йилнинг май — июль ойларида ўтказиладиган Фуқаролар йиғини раиси сайловларини ташкил этиш ва ўтказиш масалаларига бағишланган брифинг уюштирилди.

Брифинг

Тадбирда Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси ахборот хизмати раҳбари Жобир Аскарлов ушбу масъулиятли жараён ҳақида батафсил маълумот берди.

Таъкидланганидек, юртимиз бўйлаб муҳим сиёсий тадбир — маҳалла раислари сайловлари 1 май санасидан бошланади. Шу муносабат билан йил бошидан оқ мамлакатимиздаги мавжуд 9 минг 452 та маҳаллада сайловларини юқори савияда ташкил этиш бўйича қизгин тайёргарлик қўрилган. Ушбу сиёсий тадбирни янгича

демократик тамойиллар асосида, очкилик ва ошқоралиқда, фуқароларнинг хоҳиш ҳамда иродасини эркин ифода қилиш принциплари хос тарзда ўтказиш юзасидан барча куч ва имкониятлар сафарбар этилмоқда.

Айтиш жоизки, жорий йилда Ўзбекистон Республикасининг “Фуқаролар йиғини раиси савиби тўғрисида”ги Қонунига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди. Унга қўра эндиликда маҳалла фуқаролар йиғини раисларининг ваколат муддати 5 йилга узайтирилди.

Маҳаллалар уюшмасида республика штаби, 14 та ҳудудда ҳамда 208 та туман ва шаҳарда

маҳалла раислари сайловларини ташкил этиш ва ўтказишга кўмаклашувчи комиссиялар қўшида штаблар фаолияти йўлга қўйилди. Кўмаклашувчи комиссияларнинг маҳалла раислари сайловларига доир 32 турдаги ҳужжатлар лойиҳаси тайёрланиб, ҳудудларга етказилди.

Сайловларни ташкил этиш ва ўтказиш жараёнларини оммавий ахборот воситаларида ёритиш бўйича медиарежа ишлаб чиқилди. Сайлов ўтказиладиган кун, вақт ва жой ҳақидаги маълумотлар Ўзбекистон маҳаллалари уюшмасининг расмий веб-сайтида жойлаштириб боришмоқда.

Сайловлар ўтказиладиган жойларга номзодлар ва сайловларга оид маълумотлар стендлари жойлаштирилди.

14 та ҳудудда Кенгашларнинг сессиялари ўтказилиб, маҳалла

раислари сайловларини ташкил этиш ва ўтказишга кўмаклашувчи Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлари ва Тошкент шаҳар комиссиялари (жами 338 нафар аъзодан иборат) ва чора-тадбирлар режаси, шунингдек, 208 та туман (шаҳар) Кенгашлари сессиялари қарори билан фуқаролар йиғинлари раислари сайловларини ташкил этиш ва ўтказишга кўмаклашувчи туманлар ва шаҳарлар комиссиялари тасдиқланди.

Май — июль ойларида бўлиб ўтадиган сайловларда ишчи гуруҳлар томонидан 208 та туман (шаҳар) кўмаклашувчи комиссияларининг қарори билан маҳаллаларда вакиллар миқдори белгиланди. Сайловларда 2 миллион 591 823 нафар вакил иштирок этиши кутилмоқда.

«Халқ сўзи».

УЧИНЧИ КУРСДА ИШ ЖОЙИ ТАЙИН

Давлатимиз раҳбари раислигида жорий йилнинг февраль ойда ўтказилган ёшлар бандлигини таъминлаш чора-тадбирларига бағишланган видеоселектор йиғилишида ёшларга сифатли таълим бериш, касб-хунарга ўқитиш ва бандлигига эришиш бўйича бир қатор муҳим вазифалар белгиланган эди.

Эртанинг умиди

Мазкур вазифалар ижроси доирасида Тошкент давлат иқтисодий университетида “Карьера кuni” меҳнат ярмаркаси ташкил этилди.

Унда университет талабалари ҳамда битирувчилари, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Марказий банк ҳамда 300 дан ортқ корхона ва ташкилотлар, тижорат банклари, сўғурта компаниялари, хусусий сектор идоралари, уюшмалар вакиллари қатнашди. Таъкидланганидек, 2023/2024 ўқув йилида Тошкент давлат иқтисодий университетини тамомлаган битирувчиларнинг деярли ҳаммаси муҳим иш жойларига эга. Жорий ўқув йилида институтни 10 мингта яқин битирувчилар тамомлайди. Уларнинг иш ўринларига тақсимооти тўлиқ амалга оширилган бўлиб, ҳозирги кунда 3-курс талабаларини иш ўринларига тақсимлаш ишлари давом эттирилмоқда.

Тадбирда иш берувчи корхона ва ташкилотлар масъул ҳодимлари ўз фаолиятини ёритувчи кўргазмалар жиҳозлар ва бўш иш ўринлари тўғрисидаги маълумотлар билан қатнашди. Талабалар билан ишга қабул қилиш бўйича танловлар ўтказилди. Улардан муваффақиятли ўтган 215 нафар талабага ишга қабул қилинганилик тўғрисида сертификатлар тақдим этилди.



Бундан ташқари, танловларнинг биринчи босқичида қатнашган 5 минг нафар талабанинг маълумотномалари иш берувчи корхона ва ташкилотлар вакиллари томонидан ўрганиш учун олинди, натижалари тўғрисида хабар берилиши айтилди.

Тадбирда талабалар ва университет битирувчилари ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олди, хусусан, иш берувчи корхона ёки ташкилотдаги мавжуд вакант ўринлар, у ердаги меҳнат ва маъиший-маданий шарт-шароитлар, иш ҳақи бораисидаги маълумотлар билан танишиш имкониятига эга бўлди.

Шу билан бирга, меҳнат ярмаркасида иштирок этган йигит-қизлар иш берувчилардан қизиқарили тақлифлар олишди. Ишонамизки, ушбу тадбир ёшларнинг келажақтаги касбий ўсишида навбатдаги омадли қадам бўлиб қолади.

Исломжон ИКРОМОВ, ЎЗМУ талабаси.

МОТУРИДИЙЛИК — БАҒРИКЕНГЛИК, МЎЪТАДИЛЛИК ВА МАЪРИФАТ ТАЪЛИМОТИ



Диний-маърифий соҳада амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар натижасида юртимизда мотуридийшунослик илмий мактаби шаклланди. Имом Мотуридий халқаро илмий-тадқиқот

марказининг мақоми ва нуфузи оширилиб, Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида қайта ташкил этилди.

Имом Абу Мансур Мотуридий мусулмонларни тўғри йўлга бошлашда кўрсатган жонбозли-

ги туфайли олимлар орасида “Имом ал-худа” (Хидоят имоми), “Раис аҳли сунна вал жамоа” (Аҳли сунна вал жамоа раиси), “Мусахҳиҳ аҳли сунна вал жамоа” (Аҳли сунна вал жамоани тўғри йўлга солувчи), “Имом ал-Мутакаллимин” (Мутакаллимлар имоми) каби номлар билан танилган.

У асос солган мотуридийлик мактаби бугунги кунда суннийлик йўналишидаги йирик эътиқодий таълимотлардан бири ҳисобланади. Имом Мотуридий илгари сурган ақидавий қарашлар ўша даврда минтақада қузатилган турли адашган оқимлар фаолиятига барҳам беришда муҳим роль ўйнаган.

Имом Мотуридий таълимоти унинг издошлари томонидан ривожлантирилиб, ақидавий мазҳаб даражасига кўтарилган. Ушбу жараёнда Абу Муин Насафий, Абу Хафса Насафий каби алломаларнинг ўрни катта бўлган.

Бугунги кунда 1,9 миллиардлик дунё мусулмонларининг

750 миллиондан ошиғи мотуридийлик ақидавий йўналишига мансуб саналади.

Имом Мотуридий ўзидан ақида, тафсир, фикҳ ва усул ал-фикҳ соҳалари бўйича бой маънавий мерос қолдирган. Унинг 20 га яқин асарлар ёзгани манбаларда келтирилган. Мазкур китоблардан бизгача “Китоб ат-тавҳид” ва “Таъвилот ал-Қуръон” асарларигина етиб келган. Бугунги кунда ушбу икки манба ўзбек тилига таржима қилиниб, чоп этилган.

Анжуманда Имом Мотуридийнинг илмий мероси, мотуридийлик таълимотининг моҳияти, бугунги кундаги аҳамияти каби муҳим масалалар муҳокама қилинди. Унинг аҳли сунна вал жамоа эътиқодига асосланган таълимоти бузғунчи ғояларга илмий асосланган раддияларни беришда ўта аҳамиятли ҳисобланиб, мусулмонлар ўртасида бирлик ва ҳамжиҳатлиқни таъминлашда муҳим ўрин эгаллаши таъкидланди.

Шу нуқтаи назардан, аллома-

нинг илмий меросини ўрганиш ҳамда кенг тарғиб қилиш мақсадида конференция иши 3 та шўъбада олиб борилди.

Биринчи шўба “Имом Мотуридий ва унинг издошлари илмий меросининг ислом илмлари ривожидagi ўрни” мавзусига бағишланган бўлиб, унда Имом Мотуридий, мотуридийлик алломалари ҳаёт йўли, Мовароуннахр калом илми мактабининг ривожланиш тарихи ҳақида илмий музокаралар бўлиб ўтди.

Иккинчи шўба “Мотуридийлик таълимотида умуминсоний қадриятлар талқини” мавзусида бўлиб, у мотуридийлик таълимотида илгари сурилган ғоялар, жумладан, бағрикенглик, мўътадиллик, бирдамлик ва маърифат ғояларининг шаклланишига оид мунозараларни ўз ичига олди.

Учинчи шўба “XXI асрда мотуридийлик таълимотининг аҳамияти” мавзусига бағишланган бўлиб, у Имом Мотуридий илмий меросида ақс этган мавзуларнинг бугунги кундаги долзарб муаммоларни ҳал қилишда муҳим платформа вазифасини бажаради.

Анжуман якунида Имом Мотуридий илмий мероси ва мотуридийлик таълимотини ўрганишни янги bosқичга олиб чиқиш бўйича нуфузли олимларнинг таклиф ва ташаббуслари асосида якуний декларация қабул қилинди. Унда бугунги кундаги долзарб масалаларга ечим топиш, хусусан, адашган оқимларга илмий раддиялар беришда мотуридийлик таълимотининг ўрни ва аҳамияти, мўътадиллиги иштирокчилар томонидан алоҳида эътироф этилди.

Анжуман давомида мамлакатимиздаги илмий-маърифий марказлар томонидан тайёрланган нашрлар асосида китоблар кўргазмаси ташкил қилинди. Унда Имом Мотуридий қаламига мансуб “Таъвилот ал-Қуръон”, “Китоб ат-тавҳид” асарларининг ўзбек тилидаги илмий-изоҳли академик таржималари хорижлик олим ва мутахассислар томонидан юқори баҳоланди.

Конференция доирасида иштирокчилар кўҳна ва ҳамиша навқирон Самарқанд шаҳридаги муборак қадамжоларни зиёрат қилиш имконига эга бўлди. Улар Имом Мотуридий ёдгорлик мажмуаси, Регистон майдони, Шоҳи Зинда мақбаралар мажмуаси каби диққатга сазовор жойлар билан яқиндан танишиб, атрофлича маълумот олдилар.

Абдулазиз ЙЎЛДОШЕВ
(«Халқ сўзи»).

РЕКЛАМА

«ЎЗСАНОАТҚУРИЛИШБАНК» КЎМАГИДА САМАРҚАНД МЕТАЛЛУРГИЯ ЗАВОДИДА ЯНГИ ҚУВВАТ ИШГА ТУШИРИЛДИ



Самарқанддаги “AZIA METALL PROF” корхонаси томонидан ишга туширилган навбатдаги муҳим лойиҳа — металлни совуқ прокатлаш усулида қайта ишлаш линияси ана шулар сирасига қиради.

Лойиҳанинг умумий қиймати 219,6 млн. АҚШ доллари ҳажмида бўлиб, шундан 90 млн. доллари хорижий инвестиция, 50 млн. доллари эса “Ўзсаноатқурилишбанк” томонидан Саноатни ривожлантириш жамғар-

маси маблағлари ҳисобидан жалб қилинди. Айни пайтда унинг ишлаб чиқариш қуввати 500 минг тоннага тенг бўлиб, бу кўрсаткич 2026 йилга бориб 600 минг тоннагача оширилиши режалаштирилган. Қўшимча 400 та иш ўрни яратилган, маҳсулотлар ички ва ташқи бозорларга етказиб берилади.

Очилиш маросимида янги мажмуа иқтисодий ўсиш, бандлик даражасини ошириш

ва ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш каби йўналишларда мамлакат тарақиётига катта ҳисса қўиши таъкидланди. Лойиҳа нафақат минтақа, балки бутун мамлакат саноат салоҳиятини кўтаришга хизмат қилиши қайд этилди.

Маълумот учун айтиш жоизки, “AZIA METALL PROF” ўз фаолиятини 2018 йилда бошлаган. Металл қувурлар ва профиллар, рух ва полимер билан қопланган листлар,



иссиқ ўрамали металл маҳсулотлари ҳамда курилиш учун профиллар ва арматура ишлаб чиқарилади.

“Ўзсаноатқурилишбанк” мазкур лойиҳаларни молиявий қўллаб-қувватлаб, корхонани замонавий технологияларга айлантириш маблағлар билан таъминлаб келмоқда.

Банк ахборот хизмати.

Хизматлар лицензияланган.

Бокуда Абдулла Қодирийнинг «Ўткан кунлар» асари асосида саҳналаштирилган спектакль премьераси бўлиб ўтди.

Ўзбекистон касаба уюшмалари ҳаракатининг 120 йиллиги олдида

ШАХМАТ ДОСКАСИ УСТИДАГИ ҚИЗҒИН БАҲСЛАР

Мамлакатимизда давлатимиз раҳбари ташаббуси билан жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш, шу жумладан, шахматни оммалаштириш масалаларига катта эътибор қаратилиб, кенг қўламли ишлар амалга оширилаётди. Натижада спортчиларимиз халқаро мусобақаларда тарихий ютуқларни қўлга киритиб, юртимиз довругини дунёга янада кенгроқ ёймоқда.



Албатта, мазкур йўналишлардаги ишларга муносиб ҳисса қўиши мақсадида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси ҳам турли соҳаларда меҳнат қилаётган ходимлар ва уларнинг оила аъзоларини спортга кенг жалб этиш, бу орқали ходимлар саломатлигини мустаҳкамлаш бўйича тизимли ишларни олиб борапти. Масалан, тизимдаги Меҳнат ва ижтимоий муносабатлар академияси қошида “Шахмат мактаби” ташкил этилган, меҳнат жамоаларида эса шахмат клублари фаолияти йўлга қўйилгани фикримиз тасдиғидир.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Президентимизнинг 2023 йил 8 майдаги “2026 йил Ўзбекистонда бўлиб ўтадиган 46-Бутунжаҳон шахмат олимпиадасига комплекс тайёргарлик кўриш ҳамда шахматни оммалаштиришга қўйилган вазифаларга оид чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида спортнинг шахмат тури бўйича “Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кубоги” учун ташкил этилган мусобақалар мазкур йўналишлардаги ишларнинг узвий давоми бўлди.

Ўзбекистон касаба уюшмалари ҳаракатининг 120 йиллиги олдида Касаба уюшмалари Федерацияси томонидан Спорт вазирлиги ҳамда Ўзбекистон шахмат федерацияси иштирокида уюштирилган мазкур шахмат мусобақаси уч босқичда ўтказилиб, иштирокчиларга кенг имкониятлар яратиб берилди.

Халқаро шахмат федерациясининг амалдаги қоидаларига мувофиқ ўтказилган мусобақаларнинг биринчи ҳамда иккинчи босқичлари Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги 12 мингдан ортиқ корхона, ташкилот ва муассасаларда фаолият олиб бораётган 85 минг нафардан зиёд меҳнатқиларни қамраб олди. Қуйи босқичларда голибликни қўлга киритган ҳаваскор шахматчилардан 56 нафари мусобақанинг республика босқичига йўланма олди.

Шахмат доскаси устидаги баҳсларнинг финал босқичи беллашувлари Ўзбекистон касаба уюшмалари саройида бўлиб ўтди.

Мусобақаларнинг дастлабки куни 28 нафар аёл ва 28 нафар эркак — ҳаваскор шахматчилар швейцарча усулда ўзаро куч синашди. Шу тахлит мусобақаларнинг биринчи кунги иштирокчилар 1-турдан 6-тургача бўлган баҳсларда, иккинчи кунги беллашувларда эса 7-турдан 9-тургача бўлган мусобақаларда рапид йўналишида ақлий салоҳиятларини намоён этди. Ўзига хос комбинацияларга бой бўлган ҳар бир баҳс юртдошларимизнинг шахмат соҳасида катта салоҳиятга эга эканликларини кўрсатди.

Нуфузли ҳакамлар ҳайъати томонидан эса мусобақанинг республика босқичи голиблари тўплаган очколари сонига қараб аниқланди.

Тантанали тақдирлаш маросимида мусобақанинг 56 нафар финал босқичи иштирокчисига Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси томонидан махсус диплом ҳамда “Чинобод плаза” санаторийсида дам олиб, саломатлигини мустаҳкамлаш учун бепул йўланма топирилди.

Шундан сўнг 3-ўринни қўлга киритган ҳаваскор шахматчиларга 30 миллион, 2-ўринни эгаллаганларга 40 миллион, 1-ўрин соҳиби бўлган голибларга эса 50 миллион сўмдан пул мукофоти ва медаллар топирилди.

Ҳакамлар ҳайъати қарорига кўра эркак ва аёллар ўртасидаги мусобақалар якуни бўйича умумжамоа ҳисобида энг юқори натижа кўрсатган Тошкент вилояти жамоасига “Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кубоги” тақдим этилди. Тантанали тадбир якунида иштирокчилар эътиборига Ўзбекистон санъат усталари ижросидаги байрамон концерт дастури намойиш этилди.

Шунингдек, катта спорт байрамига айланган шахмат мусобақалари доирасида беллашув қатнашчилари учун Тошкент шаҳри бўйлаб саёҳат уюштирилди. Хусусан, ҳаваскор шахматчилар “Янги Ўзбекистон” боғида бўлиб, Мустақиллик монументи пойига гул қўйишди. “Тошкент сити” мажмуаси бўйлаб ташкиллаштирилган саёҳат давомида бу масканда барпо қилинган иншоотлар ҳамда “Toshkent city mall” билан яқиндан танишилди.

Уч кун давом этган спорт байрами ҳар бир иштирокчи ҳаётида унутилмас ёрқин лаҳзаларни қолдирди, десак, муболага бўлмайди.

Муҳаббат ЎРМОНБЕКОВА,
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси
Матбуот хизмати раҳбари.

Халқ сўзи

Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 542. 13 237 нусxada босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетани ҳақиқатий маълумотларни юзлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-259-74-51; котибхона 71-259-74-53;
эълонлар 71-259-74-45.



“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 21.05 Топширилди — 00.05 1 2 3 4 5 6